



# YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/5



# MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ  
NAZARIYASI VA TARIXI.  
HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- 6 **ОДИЛҚОРИЕВ ХОЖИМУРОД  
ТЎХТАМУРОВОВИЧ**  
Қонунчилик ҳужжатлари тизимини  
такомиллаштиришнинг замонавий ҳуқуқий  
асослари
- 14 **МУХИТДИНОВА ФИРЮЗА  
АБДУРАШИДОВНА**  
Роль преемственности трудов Гафура Гуляма  
в развитии духовно-просветительских традиций  
будущих юристов
- 21 **ISMOILOV BEKJON SALIHOVICH**  
Nogironligi bo'lgan shaxslar ta'limi sohasida  
O'zbekiston qonunchiligini takomillashtirish  
muammolari
- 31 **ШАЯКУБОВ БАБУР АХМАДЖАНОВИЧ**  
Стратегическое планирование:  
теоретические и методологические аспекты

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ.  
MA'MURIY HUQUQ.  
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 39 **БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ**  
Ўзбекистонда кўппартиявий тизимнинг  
шаклланиши ва ривожланиши
- 50 **RAKHIMOV DILMURODJON  
GULOMJON OGLI**  
Some issues of the legal status of civil  
servants in Uzbekistan

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.  
TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA  
HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 59 **БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ**  
Искусственный интеллект: возможна ли  
ответственность роботов?

12.00.04 – FUQAROLIK PROTSESSUAL  
HUQUQI. XO'JALIK PROTSESSUAL  
HUQUQI. HAKAMLIK JARAYONI VA  
MEDIATSIYA

- 70 **ХАБИБУЛЛАЕВ ДАВЛАТЖОН  
ЮЛЧИБОВЕВИЧ**  
Фуқаролик ишлари бўйича биринчи  
инстанция суди ҳужжатларини  
такомиллаштириш масалалари
- 81 **ХАКБЕРДИЕВ АБДУМУРАД  
АБДУСАИДОВИЧ**  
Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини якуний  
босқич сифатида ихтиёрий ижро этиш
- 88 **PIRMATOV OTABEK SHAVKATOVICH**  
Fuqarolik sud ishlarini raqamlashtirishda sun'iy  
intellektning o'rni
- 95 **XUDOYNABAYEV DADAXON  
AVAZ O'G'LI**  
Iqtisodiy sud ishlarini yuritishda prokuror  
ishtirokining ayrim masalalari
- 101 **DAVRONOV DONIYORBЕК  
ABDULLO O'G'LI**  
Fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual  
majburlov choralarini tadqiq etish muammolari
- 110 **ХАЙРУЛИНА АСАЛЬ БАХОДИРОВНА**  
Возникновение и развитие альтернативных  
способов разрешения споров: национальный  
и зарубежный опыт
- 117 **BEBUTOVA ZARNIGOR FAXRIDDINOVNA**  
Fuqarolik protsessida advokat faoliyatining  
dolzarb muammolari: milliy va xorijiy tajriba
- 125 **СУБХОНОВ ШЕРАЛИ МУХАММАД УГЛИ**  
Некоторые вопросы совершенствования  
механизма исполнения судебных решений  
о взыскании алиментов

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.  
IJTIMOIY TA'MINOT HUQUQI

- 133 **ГАЗИЕВ ШАХРУХ МУРОДАЛИЕВИЧ**  
Ҳарбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя:  
тушунчаси ва моҳияти
- 140 **ТОШОВ МУХАММАД РАЖАБОВИЧ**  
Ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа  
ҳодимнинг ишга қабул қилиниши, шунингдек,  
ўриндошлик иши чекланганлиги сабабли  
меҳнат шартномасини бекор қилиш масалалари

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.  
HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI  
OLISH. KRIMINOLOGIYA.  
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

148 **SUNNATOV VOHID TOSHMURODOVICH**

Qilmishni kvalifikatsiya qilish tushunchasi,  
metodologik asoslari va bosqichlari

156 **ТОШПЎЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**

Жиноят-хуқуқий принциплар: моҳият,  
тушунча ва белгилар

166 **ALOYEV ULUG'BEK MAXMUDOVICH  
ROZIMOVA QUNDUZ YULDASHEVNA**

Korrupsiyani keltirib chiqarishga ta'sir etuvchi  
omillar

174 **АНОРБОВ МУРОДЖОН  
РАХМАНКУЛ УГЛИ**

Общая характеристика преступлений  
против правосудия

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

182 **USMANOVA SURAYYO BULTAKOVNA**

The legal and institutional regulation of tourism  
in the Republic of Uzbekistan: emergence and  
development

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA  
NAZARIYASI VA METODIKASI  
(SOHALAR BO'YICHA)

190 **АЗИМОВ ҲАКИМАЛИ ИМОМОВИЧ**

Амир Темурнинг тарихий мероси – инсоният  
тараққиётининг муҳим омили

UDC: 92(042)(571.1)  
ORCID: 0000-0001-5331-0588

## АМИР ТЕМУРНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИ – ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Азимов Ҳакимали Имомович,  
Тошкент давлат юридик университети  
“Умумтаълим фанлар ва маданият” кафедраси доценти,  
e-mail: khakimaliazimov@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур мақолада Соҳибқирон Амир Темур даври инсоният тарихида маданий юксалиш ҳамда илм-фан равнақида алоҳида даврни ташкил этгани, ушбу даврда яратилган буюк маданий ва маънавий мерос, меъморий ёдгорликлар нафақат халқимиз, балки, дунё халқлари маданий тараққиётига ҳам муносиб хизмат қилгани ишончли манбаларга таянилган ҳолда таҳлил қилинган. Амир Темур томонидан бунёд этилган меъморий ёдгорликлар, хусусан, Самарқанднинг тарихий-маданий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Амир Темур томонидан қудратли давлатнинг барпо этилиши, мамлакатда адолат устуворлигининг таъминланиши умумминтақа сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётига ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатгани ҳам етарлича асосланган. Шунингдек, мақолага улкан давлат ва жамиятни бошқаришда “Темур тузуклари”нинг муҳим роль ўйнагани ҳамда миллий ва маънавий қадриятларимиз Амир Темур барпо этган буюк салтанатнинг негизини ташкил этгани ҳақида ҳам бир қатор материаллар жалб этилган.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, “Темур тузуклари”, илм-фан, маданият, сипоҳ ва раият, адолат, сиёсий муносабатлар, шайхлар ва фозиллар, девон, муҳаддис, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, кориз, работ, меъмор, мусаввир, солиқ, Самарқанд қоғози, карвон йўллари, савдо-сотиқ, дипломатик алоқалар, “Зафарнома”, “Темурнома”.

### ИСТОРИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АМИРА ТЕМУРА КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

Азимов Ҳакимали Имомович,  
доцент кафедры “Общеобразовательные науки и культура”  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В данной статье анализируется период Сахибкирана Амира Темура в истории нашей страны как особый период культурного роста и научного развития, его великое культурное и духовное наследие, а также архитектурные памятники, созданные в этот период не только нашим народом, но и народами мира. Рассмотрено историко-культурное значение Самарканда. Также изучены вопросы построения Амиром Темуrom сильного государства, обеспечения верховенства справедливости в стране, ее положительного влияния на политическое, экономическое и культурное развитие. В статье также представлен ряд материалов о важной роли “Уложения Темура” в управлении государством и о том, что наши национальные и духовные ценности легли в основу великой империи, созданной Амиром Темуrom.

**Ключевые слова:** Амир Темур, “Уложение Темура”, наука, культура, армия и народ, справедливость, политические отношения, шейхи, добродетели, девоны, мухаддисы, социально-экономические отношения, кяриз, работ, архитектор, художник, философ, ремесло художника, дипломатические отношения, “Зафарнома”, “Темурнома”.

### THE HISTORICAL HERITAGE OF AMIR TEMUR - AN IMPORTANT FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF HUMANITY

Azimov Hakimali Imomovich,  
Tashkent State University of Law  
Associate Professor of the Department of General Education and Culture

**Abstract.** This article analyzes the contribution of Amir Temur's Sakhibkiran in the history of our country as a special period of cultural growth and scientific development, a great cultural and spiritual heritage, architectural monuments created during this period not only by our people, but also by the peoples of the world. In this study it is also mentioned about the architectural monuments built by Amir Temur, in particular, the historical and cultural significance of Samarkand. The issues of building a strong state by Amir Temur, ensuring the rule of justice in the country, and its positive impact on political, economic and cultural development have also been studied. The article also presents a number of materials about the important role of "Temur Code" in the government and the fact that our national and spiritual values formed the basis of the great empire created by Amir Temur.

**Keywords:** Amir Temur, "Code of Amir Temur", science, culture, army and people, justice, political relations, sheikhs and nobles, Devons, muhaddsts, socio-economic relations, kyariz, rabot, architect, painter, philosopher, the craft of a thin man, diplomatic relations, "Zafarnoma", "Temurnoma".

Буюк давлат арбоби, енгилмас лаш карбоши Амир Темур (1336–1405 йиллар) мўғуллар истибдодига барҳам бериб, Мовароуннаҳрда марказлашган қудратли давлатни барпо этди. У ўз давлати асосини адолат мезонлари билан бойитди ва юксалтирди. Халқ фаровонлиги ва мамлакат ободонлиги йўлида тинимсиз меҳнат ва ғамхўрлик кўрсатди. Унинг салтана тида аҳолининг барча қатламлари манфаатлар и адолат тамойиллари асосида ишончли ҳимоя қилинди.

Ана шу маънода Амир Темурнинг давлат ва жамият бошқарувидаги улкан тажрибаси, бой мероси ва шахсий адолатпарварлиги фақат ўз даври учунгина аҳамиятли бўлиб қолмасдан, бугунги кун учун ҳам ғоят муҳимдир. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқида "Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир" деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улуғвор ғоя инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворида айланди" [1].

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, Соҳибқироннинг тарихдаги буюк хизматлари холис эътироф этилиш даври бошланди. Хусусан, Президентнинг Амир Темур ҳаёти ва даврига оид ўндан ортиқ фармони, Вазирлар Маҳкамасининг йигирмадан кўп қарорлари қабул қилинди. Зеро, тарихда Иккинчи уйғониш даври деб аталган бу даврда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётнинг барча жабҳаларида жиддий тарихий бурилиш, юксалишлар бўлиб берибди.

Соҳибқирон ҳукмдорлик давридаги маданий ва маънавий ҳаёт таҳлили шундан далолат берадики, илм-маърифат соҳибларига кўр-

сатилган юксак эътибор, хайрихоҳлик давлат ва жамият тараққиётидаги барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Олимлар ва сиёсатчиларнинг турли вақтларда яратилган асарларида Амир Темурнинг бу соҳадаги фаолиятига объектив баҳо берилган [2, 4822-б.; 3.].

Ҳазрат Темур давлат бошқарувининг энг олий мақоми қилиб қурултойни белгилагани ҳам эътиборга моликдир. Бу нуфузли машварат ҳозирги даврдаги конгресс, ассамблея, олий мажлис каби тушунчаларга тўғри келади. Фикримизча, бошқарувнинг айнан шундай тарзини жорий этишда, давлат ва жамият ҳаётини адолат билан тартибга солишда, халқнинг фаровонлигини юксалтиришда, илм-фан ва маданият ривож топишида, айниқса, "Темур тузуклари"нинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мазкур ноёб асарда Соҳибқирон адолатнинг ҳимоячиси, тажрибали саркарда, омилкор давлат арбоби сифатида кўз ўнгимизда намоен бўлади. Шунингдек, унда Амир Темур давлатининг қўшни мамлакатлар билан олиб борган иқтисодий, маданий, сиёсий муносабатлари тарихи ўз ифодасини топган.

Собиқ мустабид тузум даврида "Темур тузуклари"ни кенг жамоатчиликка етказиш ва илмий муомалага олиб киришда академик И. Мўминовнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиздир. 1968 йилда И. Мўминов томонидан "Темур тузуклари"нинг Н.Остроумов нашри (1894) факсимилеси нашрдан чиқарилди. 1967 йилда эса Алихонтўра Соғуний томонидан асарнинг ўзбек тилига таржимаси амалга оширилиб, "Гулистон" журналида чоп этилиши ўз даври учун жуда катта жасорат эди.

Амир Темурнинг қудратли давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш борасида олиб борган улкан ишлари бир вақтнинг ўзида улкан



минтақада тинчлик ва адолатни таъминлаш, халқаро муносабатларни юксалтиришга ҳам долзарб ҳисса бўлиб қўшилди. Зеро, Соҳибқирон динлараро бағрикенглик масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратди. У исломни мутаассибликдан ҳоли, умуминсоний эътиқод, деб тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган, ўз салтанатидаги бошқа дин вакилларига ҳам етарлича ғамхўрлик кўрсатган [4, 22-6].

“Темур тузуклари”да муаллиф зукко сиёсатчи ва йирик давлат арбоби, моҳир дипломат сифатида ўз давлатининг тузилишини, унинг қай тарзда бошқарилиши кераклигини баён этади, мансабдорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Асарда ёзилишича, ҳар бир ҳукмдор ўз давлатининг таянчи бўлган ижтимоий-сиёсий гуруҳларга суянган ҳолда иш олиб бориши лозим. Фақат уларнинг ёрдамида раият, қўшинлар ва давлатни идора қилиш самара беради [5, 67-6]. Китобда бу борада, жумладан, шундай дейилади: “Салтанатим ишларини тартиб-интизомга солиб, салтанатим мартабасига тўра ва тузук билан зебу-зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим. Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим” [6, 76-6]. Бу гуруҳларни қуйидаги ўн икки тоифа ташкил этган: саййидлар, уламо, шайхлар ва фозиллар; ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар; дуоғўй кишилар; амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар; сипоҳ ва раият; ишончли, тўғри эътиқодли оқил кишилар; вазирлар, девон котиблари ва муншийлар; ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; муҳаддислар, пайғамбарлар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар; машоҳийлар, сўфийлар; касбу-хунар эгалари; ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчилари ва мусофирлар, савдогарлар [6, 76–79-6].

Бугунги янгиланаётган Ўзбекистонимизда Президентимизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари билан ўзини ўзи иш билан банд қилишни истайдиган, ҳалол меҳнат эвазига ҳам ўзи, оиласи ва яқинларига, ҳам давлат ва жамият

ривожига ҳисса қўшмоқни чин дилдан истайдиган фуқароларга жуда кўп имконият ва шарт-шароитлар яратилаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шуниси эътиборлики, айни шу хилдаги савобли ва самарали муносабатни биз “Темур тузуклари”да ҳам учратамиз. Масалан, асарда раиятдан мол-хирож олиш масаласида шундай дейилади: “Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилишига қараб, солиқни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, занжир билан кишанламасинлар”.

Бугун мамлакатимизда муомаладан чиқиб кетган қишлоқ хўжалик ерларини қайта муомалага киритиш, бунинг учун эса айни фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган меҳнаткашларга қатор енгилликлар, имтиёзлар бериш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз даврида Амир Темур ҳам қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни алоҳида рағбатлантирган, бундай ишга қўл урганларга катта имтиёзлар берган. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да қуйидагича баён этилади: “Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар” [6, 122-6].

Ўзлаштирилмай қаровсиз ётган ерларни ҳосилдор ерларга айлантириш шарт-шароитлари ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир: “Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи у ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўп-

риклар курсинлар, йўл устида, ҳар бир манзил-гоҳга работлар бунёд этсинлар” [6, 122-б].

Агар якунига етаётган 2021 йилга мўлжалланган Давлат дастурига назар ташласак, унда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган, бироқ ҳозирча етарли маблағга эга бўлмаган минглаб ёшларга керакли анжомлар, зарур техника ва технологияларни сотиб олиш учун қайтарилмайдиган молиявий ёрдам – субсидиялар ажратиш вазифаси белгиланганига гувоҳ бўламиз.

Шуни айтиш керакки, Амир Темур давлатида олиқ-солиқларнинг муайян аниқ тартиби белгиланган бўлиб, муҳосиллар (солиқ йиғувчилар)нинг фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатилган. “Амр этдимки, – дейилади “Темур тузуклари”да, – раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақлашни керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради” [6, 120-б].

Маълумки, Соҳибқирон томонидан тузилган энг қудратли ва интизомли армия Ватанга, қолаверса, халққа садоқат билан хизмат қилишда, шунингдек, ҳар қандай тўсиқларни мардонавор енгиб ўтишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Қолаверса, Амир Темур барпо этган буюк салтанат, таъкидланганидек, дунё халқлари ҳаётида, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик асосида юксалишида муҳим роль ўйнаган. Амир Темурнинг йирик марказлашган давлат тузиши жараёнида дунё илм-фани, адабиёт ва санъати, ҳунармандчилик ва меъморчилиги жиддий раванқ топди. Мамлакат ва пойтахт Самарқанднинг ободончилиги йўлида маҳаллий ҳамда чет мамлакатлардан кўплаб фан ва санъат аҳллари, ҳунарманд меъморлар, мусаввирлар жалб қилинди. Самарқанд дунёнинг маданий-маърифий, илмий марказларидан бирига айланган ва дунёга маълуми машҳур бўлди. Ўшандан буён Самарқанд шаҳри дунё халқларининг цивилизациясида ўзининг бетакрор ўрни билан алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда.

Самарқандда қуролсозлик устахоналари, совутсозлар маҳалласи бўлган, мис ва жездан

буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Мисгар ва чилангарлар металлларни тоблаш, қуйиш, сиртига нақш солиш, олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажаришган. Масалан, Бибиҳоним масжиди эшиклари етти хил маъдан қотишмасидан тайёрланган. Заргарлар олтин, кумуш ва жез қотишмаларидан нафис зеб-зийнат буюмлари ясаганлар. Олтин ва кумуш гардишли, қимматбаҳо тошлар қадалган идишлар сиртига нақш ва ёзувлар билан безатилган.

Самарқандда шишасозлик ривожланиб, турли идиш ва буюмлар ясалган. Қурилишда рангли ойналардан кенг фойдаланилган. Ёғочдан нақшин ўймакор бинолар қурилиб, буюм ва жиҳозлар ясалган. Самарқанд қоғози ҳатто хорижий давлатларда машҳур бўлган. Бу даврда ҳунармандчилик моллари ишлаб чиқарадиган корхона бошлиғи “уста”, шогирдлар “халфа” деб аталган. Ҳунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақасига мансуб бўлган. Амир Темур даврида савдо расталари, бозорлар ва йўллар қурдирилган, карвонсаройлар кўпайган. Айниқса, Самарқанд ва Бухорода бозор, чорсу, тим, тоқ каби савдо ҳунармандчилик иншоотлари қад ростлаган. Шаҳар бўйлаб ўтган кўчанинг икки томонига дўконлар жойлашган. Самарқанд ва Бухоро савдо майдонларининг кенглиги ва ихтисослаштирилган бозорларга эгалиги билан ажралиб турган. Бозор савдо маркази ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариш жойи эди. Шунингдек, бозорларда қўлёзмалар, китоблар, ёзув қоғози сотилган, ариза ёки мактуб ёзувчи мирзалар хизмат кўрсатишган [7, 263-б].

Савдо растаси унда сотилувчи товар номи билан аталган. Бозорларда адабиёт, шеърият, илм-фан ҳақида суҳбатлар бўлган, фармонлар эълон қилинган ва айбдорлар жазоланган. Бозорларда турли томошалар кўрсатилган, масжид, мадраса, ҳаммом бозорга яқин жойда қурилган. Темурийлар даврида карвон йўлларида элчилар, чопарлар ва савдо карвонлари учун дам олиш, отлар алмаштириш жойлари қурилган.

XIV–XV аср охирларида Мовароуннаҳр кўп мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий баъзан сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган карвон йўллари билан боғланган. Бу йўллар давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини



ривожлантиришга имконият яратган. Амир Темур давлати Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Волга бўйи, Сибир билан мунтазам савдо-сотиқ алоқалари олиб борган.

Бу даврда диний иншоотлар, ҳукмдор саройлари, аслзодаларнинг қароргоҳлари қўп-лаб қурилган. Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришидан сўнг (1399 йил) Самарқандда жоме масжиди қурилган [8, 805-б.]. Унинг рўпарасида Бибиҳоним мадрасаси ва мақбара бунёд этилди. Амир Темур Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий мақбарасини, Бухорода Чашмаи Аюб (1380 йил) ёдгорлигини, Шаҳрисабзда зиёрат ва дафн маросимлари учун “Ҳазира”, “Дор ус-Сиёзат” (1389–1400 йиллар) хилхонасини қурдирган. Шунингдек, шаҳар ташқарисида Амир Темур Боғи Чинор, Боғи Шимол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби ўнлаб ажойиб боғлар барпо этди. Темурийлар даврида қурилган саройлар икки хил бўлган. Биринчиси маъмурий-сиёсий мақсадда бўлиб, қалъа ёки шаҳар ичида қурилган. Иккинчиси шаҳар ташқарисидаги боғларда, қароргоҳларда қабул маросимлари, мажлислар ўтказиладиган ва ҳордиқ чиқариладиган жой сифатида қурилган. Амир Темур даврида қурилган Ширинбека, Бибиҳоним, Туман оғо обидаларида наққошлик ва ҳаттотлик билан бирга тасвирий лавҳалар ҳам мавжуддир. Ширинбека оғо мақбарасидаги тасвир кўк рангларда бўлиб, қолган ички бино деворларида оқ ва мовий рангдаги табиат манзаралари тасвирланади. Ҳаттотлик санъати тараққиётига XV асрда

анъанавий нақши, куфий, деворий хатлари билан бирга пештоқларни безовчи тезкор-настаълиқ ноёб қўлёзма асарлар кўчириладиган махсус устахоналар вужудга келиши китобчиликнинг равнақиға ижобий таъсир кўрсатади. Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Миниатюра рассомчилигининг тараққиёти адабиётнинг ривожига билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, сўнггра Жомий ва Навоий асарларига суратлар ишлаган. Темурийлар даврида миниатюра санъатида жанг тасвирларига эътибор кучайган. Жумладан, “Зафарнома” ва “Темурнома” асарларида жанг лавҳалари тасвирланган.

Хулоса қилиб айтганда, аввало, бу давр маданияти, маънавий ҳаёти Соҳибқирон Амир Темур томонидан барпо этилган кучли давлатчилик тамойиллари асосида шаклланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан бевосита боғлиқ бўлган. Амир Темурнинг марказлашган қудратли давлат барпо этиши мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган. Мамлакатимизда 1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилиниши, Амир Темурнинг инсоният тарихидаги улкан хизматлари ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиши ва 1996 йилнинг 22–24 апрель кунлари Франция пойтахти Парижда халқаро миқёсда 660 йиллик юбилей кенг нишонлангани Соҳибқирон аждодимизнинг инсоният тарихидаги буюк хизматларига кўрсатилган юксак эҳтиромдан далолатдир.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag'ishlangan marosimdagi ma'ruzasi. // Xalq so'zi. 2018, 8-dekabr.
2. Uljaeva Sh., Nosirkhodjaeva G., Azimov Kh. A History of Historiography and some Sources of the Period of Amir Temur and Temurids. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) ISSN: 2249 – 8958, Volume-9 Issue-1, October 2019. 4822-b.
3. Tojiboeva D.O. Religious Tolerance Is The Basis Of Society Sustainability And Integrati. 2020/11/20. The American Journal of Political Science Law and Criminology. Tom 2. No. 11. p. 21–25.
4. Shayakubov Sh. Sh., Adilov F. A. Arxitekturnoe sozvezdie amira temura v pismennûx istochnikax //Uchenûy XXI veka, 2016, p. 67.
5. Shayakubov Sh. Sh. Istoriya pismennoy kulturû narodov Sentralnoy Azii // Professionalnoe samoopredelenie molodeji innovatsionnogo regiona: problemû i perspektivû. 2018, p. 263–265.
6. Temur tuzuklari. Tashkent, Sharq, 2005, pp. 76; 76–79; 122; 122; 120.
7. Klavix G. Istoriya Velikogo Tamerlana. Sb. Tamerlan Epoxa. Lichnost, Deyanie. Moscow, 1997. p. 300.

8. Dilnavoz Ozodovna Tadjibaeva, Khabiba Naimovna Oblomuradova (2020) Religious tolerance is a symbol of peace and enlightenment. Elementary Education Online, 19 (4), 804-809. doi:10.17051/ilkonline. 2020.
9. Azimov H. Buyuk sarkarda, me'mor va ilm-fan homiysi. Yangi O'zbekiston gazetasi. 2021-yil 10-aprel.
10. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Tashkent, Ma'naviyat, 2008, p. 44–45.
11. Fayziev X. Temuriylar tarixi Davlat muzeyi direktori. Amir Temur va Fransiya qiroli o'rtasidagi maktublar nima haqda edi? // Xalq so'zi. 2018, 10-oktyabr.
12. Amir Temur jahon tarixida. Tashkent, 1996, p. 80–84.
13. Shahrisabz shahrining jahon tarixida tutgan o'rni. // Xalqaro ilmiy konferensiya ma'ruzalarining tezislari. Tashkent, FAN, 2002, p. 3.
14. Mankovskaya L.Y. Arxitektturnûe pamyatniki dolinû Kashkadari. Tashkent, Uzbekistan, 1979, p.14.
15. Aminov B. XV–XVII asrlardagi qabrtosh matnlarining tekstologik natijalari. // O'rta Osiyoning tarixi va arxeologiyasining dolzarb muammolari. Tashkent, Universitet, 1995, p.10.
16. Aminov B. Qashqadaryo viloyati epigrafik yodgorliklari. // O'zbekiston qadimda va o'rta asrlarda. Samarqand, 1993, p. 14; 38.
17. Xakimov Z. Yashil shaharning me'morchilik obidalari. // San'at, 2002, No. 1.
18. Shahrisabz. Chast 2., Kollektiv avt-v. Tashkent, Universitet, 1993, p. 17.
19. Pugachenkova G.A. Respel L.I. Ocherki iskusstva Sredney Azii. Tashkent, Iskustvo, 1982, p.45.
20. Zasûpkin B.N. Pamyatniki Shaxrisabza. // Arxitektturnûe pamyatniki Sredney Azii. Voprosû restavratsii. No. 2. 1928. p. 52.
21. Rui Gonsales de Klavixo. Dnevnik puteshestviya v Samarkandskiy dvor Timura (1403–1406). Moscow, Nauka, 1990, p.30.
22. Shahrisabz. Chast 2., Kollektiv avt-v. Tashkent, Universitet, 1993, p. 58.
23. Azimov H. SCOPUS "In the Socio-economic Life of Uzbekistan, the Role of Women: Changes and Development Trends". International Journal of Pharmaceutical Research | Dec 2020 | Vol 12 | Supplementary Issue 3.
24. Azimov H. In the socio-economic life of Uzbekistan The role of women: changes and development trends. Academicia a n International Multidisciplinary Research Journal. (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) DOI: 10.5958/2249-7137.2021.01014.4 22.04.21.